

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 32/30.12.2020.Үн.74.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ХОЛИҚОВА ШАХНОЗА АБДУГАФАРОВНА**

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК  
НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation**

**Холиқова Шахноза Абдугафаровна**

Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини  
такомиллаштириш масалалари..... 3

**Холикова Шахноза Абдугафаровна**

Вопросы совершенствования общественного контроля  
за деятельностью государственной власти..... 25

**Kholikova Shahnoza Abdugafarovna**

Questions of improvement of public control over activity of the  
government..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 32/30.12.2020.Үн.74.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ХОЛИҚОВА ШАХНОЗА АБДУГАФАРОВНА**

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК  
НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Yu108 рақам билан рўйхатга олинган.**

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети веб-сайти ([www.mghti.uz](http://www.mghti.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маликова Гульчехра Рихсходжаевна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Жалилов Шухрат Илхамович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Турғунов Ойбек Каримович**  
юридик фанлар доктори, профессо

**Етакчи ташкило**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона**  
**Қўмитасининг Божхона институти**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «18» \_\_09\_\_ соат \_10:00\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mghti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_2122\_-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_06\_» \_\_09\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_06\_» \_\_\_\_09\_\_ даги \_7\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Х.Рустамбаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**М.М.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

**М.Б.Усмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (Phd) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштироки муҳим омилга айланаётган замонавий шароитда давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тизимли тартибга солиш устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда дунё мамлакатлари учун давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик иштироки даражасини ўлчаш воситалари ҳисобланган «Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси» (Democracy Index) ва «Бошқарув сифати индикаторлари»нинг (Worldwide Governance Indicators) «Аҳолини фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик» (Voice and Accountability Index) рейтингда юқори ўринларни эгаллаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бундай жараёнда илғор халқаро тажрибага мос келадиган давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг таъсирчан ва самарали шакллари жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳонда, хусусан, АҚШ, Германия ва Францияда жамоатчилик давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши, жамоатчилик назорати натижаларининг давлат органлари томонидан кўриб чиқиши мажбурийлиги, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари батафсил тартибга солинганлиги, жамоатчилик қонунчилиги ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши каби бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан тавсифланади.

Жаҳон амалиётида жамоатчилик назорати давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бу борада олиб бориладиган илмий изланишлар устувор аҳамиятга эга. Бугунги кун илм-фанида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бундан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини аниқлаштириш, бу борадаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий механизмлар ва шарт-шароитларни белгилаб бериш, жамоатчилик назорати объектлари доирасини янада кенгайтириш, жамоатчилик назорати субъектларининг ваколатларини мустаҳкамлаш ҳамда жамоатчилик назоратининг янги таъсирчан механизмларини жорий этиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда самарали жамоатчилик бошқаруви тизимини шакллантириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамасида фуқаролик жамияти институтлари

вакилларининг кенг иштирокини таъминлаш<sup>1</sup>; давлат органларида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш; қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш; давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш<sup>2</sup>; жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, шу жумладан, ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда жамоатчилик иштироки ва назоратини кенг йўлга қўйиш» каби муҳим вазифалар белгиланган. Кўрсатилган вазифаларни бажариш, ўз навбатида, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий этишни тақозо этиши билан бир қаторда, жамоатчилик назоратининг моҳияти, тавсифи ва ҳуқуқий механизмини, амалга ошириш шакл ва усулларини, қайси соҳаларда ва қандай даражада амалга оширилишининг тартиб-таомилларини қонунчиликда аниқ белгилаш орқали янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПФ–5980-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ–6247-сон «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 4 июлдаги ПҚ–3837-сонли «Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ–4551-сонли «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот илм-фанни ривожланишининг «III. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5308-сон Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз олим ва тадқиқотчиларидан: О.Т.Хусанов, Ш.И.Жалилов, Г.Р.Маликова, Р.Р.Хакимов, Б.М.Исмаилов, М.М.Миракулов, Г.С.Исмаилова, З.Р.Рўзиёв, М.К.Нажимов, Я.Й.Олламов, Ш.У.Якубов А.Юлдашев, Ш.Г.Бафаев, М.А.Тиллабаев, А.А.Дадашева, Х.Р.Мухаммадхўжаева ва бошқалар томонидан жамоатчилик назорати ва унинг алоҳида шакллари айрим жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

МДХ давлатларида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратига оид масалалар: С.Авакьян, Л.Акопов, В.Беляев, Н.Бондарь, А.Гончаров, В.Гриб, О.Забралова, С.Зубарев, Е.Исаева, В.Кравчук, В.Лафитский, Р.Арутюнян, В.Карастелев, Р.Колодин, О.Коломытцева, Е.Огнева, О.Околёнова каби ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган бўлиб, улар мавзунинг айрим жиҳатларини ўрганишга муайян даражада ёрдам беради.

Хорижий мамлакатларда давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назорати билан боғлиқ масалалар Р.Дарендорф, А.Токвиль, Б.Барбер, К.Каллахан, Ф.Клевеланд, А.Шах, В.Стюарт, Д.Битхам, Т.Ишида, Э.Краусс ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, Р.Дарендорф эркин фуқаролик жамияти қуриш ва жамият ҳаётини демократлаштиришни, Б.Барбер кучли демократик давлат қуришда жамоатчилик иштироки аҳамиятини, К.Каллахан давлат бошқарувида фуқаролар иштирокини, Ф.Клевеланд ҳукумат фаолияти устидан фуқаролар назоратини, В.Стюарт ва Д.Битхамлар Буюк Британияда демократик назорат ва сиёсий кучларни, Т.Ишида ва Э.Краусслар эса, Япониядаги демократик назорат масалаларини ўрганишган.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг айрим жиҳатларига оид махсус илмий тадқиқот иши «Ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати: назарий-ҳуқуқий муаммолар» мавзусида Х.Р.Мухамедходжаева томонидан амалга оширилган. О.Д.Утегеновнинг юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация ишида «Экология соҳасида жамоатчилик назоратини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш» масалалари таҳлил қилинган. Ш.У.Якубовнинг «Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация ишида давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштироки, хусусан, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси ҳамда жамоатчилик экспертизасини амалга оширишда парламент билан ҳамкорлиги масалалари таҳлил қилинган. М.М.Мамасиддиқов, Х.Т.Маматов, А.А.Отажонов ва Э.К.Сабиловларнинг томонидан «Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

такомиллаштириш» мавзусидаги монографияларида Ўзбекистонда давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва жамоатчилик назоратини таъминлашга доир қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши, суд ҳокимияти ва ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари тадқиқ этилган. Э.Т.Ҳожиев ва Ш.Ғ.Асадов «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати» мавзусидаги монографиясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг илмий-назарий асослари, объектлари ва субъектларининг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган. З.Р.Рўзиев ўзининг «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари» мавзусидаги монографиясида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларини тадқиқ этган. Профессор М.К.Нажимов жамоатчилик назорати институтининг назарий-методологик жиҳатларини, Р.Р.Ҳакимов мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини такомиллаштириш масалаларини, М.М.Миракулов эса, жамоатчилик назорати институтининг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги тарихий аҳамияти ва моҳиятини тадқиқ қилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва “Давлат ва жамият қурилиши тизимини ислоҳ этишда қонун ижодкорлик жараёнини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарадорлигини ошириш ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар белгиланди:

давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари ва замонавий ҳолатини таҳлил этиш;

давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назорати объектларининг конституциявий-ҳуқуқий тавсифини тадқиқ этиш;

давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назорати субъектларининг юридик тавсифини бериш;

давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назорати шакллариининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида айрим хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этиш;



фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва механизмларига оид қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, хорижий тажриба ҳамда юридик фандаги мавжуд концептуал ёндашувлар, ғоялар, қарашлар, назариялар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни олиб боришда: тизимлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, норматив-ҳуқуқий таҳлил, умумлаштириш, мантиқийлик, ижтимоий сўров ҳамда маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жамоатчилик назоратининг объектларига давлат органлари мансабдор шахсларининг ижтимоий манфаатларга дахлдор вазифалари ва функцияларни бажаришга доир фаолиятини киритиш зарурлиги асосланган;

жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни давлат органлари кўриб чиқиши шартлиги асосланган;

жамоатчилик назоратини амалга ошираётган жамоат кенгашларининг фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлашга оид мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этиши ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлаш функциясини белгилаш зарурати асослаб берилган;

жамоатчилик кенгашининг хотин-қизлар, айниқса, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатини белгилаш асосланган;

давлат бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўз фаолиятининг ярим йиллик ва йил якунлари бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериш тартибини жорий этиш зарурати асосланган;

жамоатчилик назорати маскани фаолиятини ташкил этиш, масканда фаолият олиб бориш муддатини аниқ белгилаш, уларнинг вазифа ҳамда ваколатларини тартибга солиш зарурияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

соғлиқни сақлаш, дори, фармацевтика, йўл, электр энергетикаси соҳалари ҳамда музейлар фаолиятида жамоатчилик назорати институтини жорий этиш таклифи ушбу соҳаларда самарали жамоатчилик назоратини жорий этишга хизмат қилади;

хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслар фаолиятини ҳам жамоатчилик назорати объекти сифатида киритиш зарурати асосланган;

фуқаролар жамоатчилик назоратининг мустақил субъекти эканлигини ҳисобга олиб, уларга жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш каби жамоатчилик назорати шаклларини амалга ошириш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини бериш зарурлиги асослаб берилган;

жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш каби жамоатчилик назорати шаклларини жамоатчилик кенгашлари, комиссиялар томонидан ҳам амалга ошириш тартибни жорий этиш асосланган;

депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун тегишли сайлов округида истиқомат қилувчи сайловчиларнинг бешдан бир қисми томонидан қўллаб-қувватланган таклифи асос бўлиши мумкинлигини белгилаш асослаб берилган;

жамоатчилик вакиллари парламент йиғилишларида қатнашиб, унда депутатлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, депутатлар фаолиятининг бошқа жиҳатлари устидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқини белгилаш асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоларини жамоатчилик орасидан танлаб олиш тартибни батафсил белгилашга қаратилган норма ва қоидаларни киритиш зарурати асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишининг хулосалари давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид хорижий мамлакатлар ва миллий қонунчиликни таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олингани; ўтказилган социологик сўровнома натижалари анкета шаклига асослангани; хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиб, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, жамоатчилик назорати соҳасидаги қонун ижодкорлигида, қонун ҳужжатлари нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” ва “Конституциявий ҳуқуқ” фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан маъруза, семинар ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан жамоатчилик назорати соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш

механизмларини жорий этиш, жамоатчилик назорати соҳасидаги янги назорат шакллари кириштириш бўйича қонунларнинг давлат ҳуқуқий сиёсатига уйғун ҳолда ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга оид тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жамоатчилик назоратининг объектига давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга доир фаолиятини ҳам кириштириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 18 февралдаги 2-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши жамоатчилик назоратининг объектлари доирасини янада кенгайтиришга ва унинг самарадорлиги оширилишига хизмат қилган;

давлат органларининг жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шартлиги тўғрисидаги таклифдан “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 18 февралдаги 2-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши жамоатчилик назорати таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган;

миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашларининг фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлашга оид мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этиши ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлаш функциясини белгилаш тўғрисидаги таклифдан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 723-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган намунавий Низомнинг 4-банди иккинчи хатбошисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 1 декабрдаги 12/20-26-сон далолатномаси). Натижада, мазкур соҳадаги мурожаатларни кўриб чиқишда очиқлик ва демократизмнинг таъминланишига эришилган;

хотин-қизлар жамоатчилик кенгашининг хотин-қизларга, айниқса, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатини белгилаш тўғрисидаги таклифдан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 486-сон қарори билан тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда

туман(шаҳар)лардаги хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари тўғрисида”ги намунавий низомнинг 7-банди еттинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 1 декабрдаги 12/20-26-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар учун янада қулай шароитлар яратилиши ва уларни қўллаб-қувватлаш механизмининг самарали фаолият юритишига хизмат қилган;

давлат бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериш тартибини жорий этиш ҳамда шу мақсадда ярим йиллик ва йил якуни бўйича ўз фаолияти юзасидан жамоатчилик олдида электрон ҳисобот тақдим этишини белгилаш тўғрисидаги таклифидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июлдаги 444-сон қарорининг 4-банди ҳамда ушбу қарорига 3-илова билан тасдиқланган Низомнинг 1-бандини тайёрлашда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 1 декабрдаги 12/20-26-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши давлат бошқаруви органлари ва жамоатчилик ўртасидаги муносабатларнинг очиқ-ойдинлигини таъминлаш ва улар фаолиятидан хабардор бўлиш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жамоатчилик назорати маскани фаолиятини ташкил этиш, масканда фаолият олиб бориш муддатини аниқ белгилаш, уларнинг вазифа ҳамда ваколатларини тартибга солиш тўғрисидаги таклифи Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 497-сон қарори билан тасдиқланган “Жамоатчилик назорати маскани фаолиятини ташкил этиш тартиби” тўғрисидаги низомнинг 11-бандини тайёрлашда эътиборга олинган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 22 июлдаги 02-05/467-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши жамоатчилик назорати маскани фаолияти ташкил этилишини ҳуқуқий тартибга солинишига ва унинг самарадорлиги оширилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 7 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 7 та мақола (2 таси хорижий нашрда) ва тўпламлар таркибида 9 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ қилинаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг умумий тавсифи»** деб номланиб, унда “давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш” тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари ва замонавий ҳолати, жамоатчилик назоратининг объектлари, субъектлари ва шакллари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг *«Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари»* деб номланган биринчи параграфда «назорат», «контроль», «жамоат», «жамоатчилик», «фуқаровий назорат», «жамоатчилик назорати» каби илмий категорияларнинг мазмун-моҳияти, умумий ҳамда фарқли жиҳатлари, шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хослигини тавсифловчи хусусиятлари очиб берилган.

Параграфда ушбу тушунчаларга нисбатан узоқ хорижий давлатлар (Б.Барбер, К.Пейтмен, Дж.Кин, Д.Фельдман, Ф.Клеванд, А.Шах, С.Вэйр, Д.Битхам, Т.Ишида, Э.Карусс, Р.Дарендорф, М.Мескон, А.Токвиль), МДХ ҳуқуқшунос олимлари (Л.Акопов, Л.Андреева, Р.Арутюнян, В.Беляев, Н.Бондарь, К.Гасанов, А.Гончаров, О.Забралова, А.Зиновьев, В.Карастелев, О.Коломытцева, Е.Огнева) ва ўзбекистонлик олимлар (Г.Р.Маликова, О.Т.Хусанов, Г.Исмаилова, А.Ғафуров, Б.Исмаилов, М.Миракулов, З.Р.Рўзиев, Ш.Бафаев, Й.Жураев, Х.Мухаммадхўжаева, Н.Абдуазизова, Т.Дўстжонов) нинг нуқтаи назарлари таҳлили асосида жамоат назоратига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Изланувчи томонидан, жамоат назорати – *фуқаролар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатларини, вазифа ва мажбуриятларини мақсадга мувофиқ ва самарали амалга оширишлари устидан кузатиш, текишириш, таҳлил қилиш ва улар*

томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунчилик ва жамоат манфаатларига мувофиқлигини баҳолашга қаратилган фаолият ҳамда фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиш шакли, деган хулосага келинган.

Диссертацияда жамоат назоратининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилиб, унда жамоат назорати назоратнинг бошқа турларидан кенг жамоатчилик томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ субъектив таркиби, демократик мазмуни, аниқ ва қатъий чегараларга эга эмаслиги, халқ ҳокимиятчилиги элементларини ўзида мужассам этиши, тавсиявий мазмун касб этиши каби ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилиши асослаб берилган.

Мазкур бобнинг «Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари ва замонавий ҳолати» масалаларига бағишланган иккинчи параграфда жамоатчилик назорати институтининг тарихий ривожланиши уч асосий босқичга ажратилган ҳолда тадқиқ этилган.

*Биринчи босқич* – 1991-2000 йилларни ўз ичига қамраб олган жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва тикланиши даври. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан илк маротаба фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари конституциявий мақомга эга бўлди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари мустаҳкамланди, шунингдек, алоҳида қонунларда жамоатчилик назорати элементлари кириб келган.

*Иккинчи босқич* – 2001-2010 йилларни ўз ичига қамраб олган жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви, алоҳида соҳаларда жамоатчилик назоратининг мустаҳкамланиши, жамоатчилик назорати шакл ва усулларининг кенгайиши даври. Ушбу даврда қабул қилинган айрим ижтимоий соҳалардаги қонунларда жамоатчилик назорати назарда тутилмаганлигини инобатга олиб, шунингдек, соғлиқни сақлаш, дори, фармацевтика, йўл, электр энергетикаси соҳалари ҳамда музейлар фаолиятининг жамоатчилик манфаатларига бевосита дахл қилишини ҳисобга олган ҳолда бир қатор қонунларда жамоатчилик назорати институтини мустаҳкамлаш таклиф этилган.

*Учинчи босқич* – 2011 йилдан ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига қамраб олган жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг фаол такомиллашуви, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва модернизация қилиш, жамоатчилик назоратини конституциявий мустаҳкамлаш ҳамда унинг институционал асосларини кучайтириш даври. Ушбу даврда мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмлари шакллантирилди, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш борасидаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди. Параграф доирасида амалдаги қонун ҳужжатларини “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун нормаларига мослаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур бобнинг сўнги параграфи «*Жамоатчилик назоратининг объектлари, субъектлари ва шакллари*»га бағишланган. Параграфда жамоатчилик назорати объектлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 32-моддаси, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун ва амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган. «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги ҳамда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлар таҳлилидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳам жамоатчилик назорати объекти бўлиши асослантилган.

Тадқиқотчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қиладиган хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслар фаолияти амалиётда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишга бевосита таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасидаги жамоатчилик назорати объекти доирасини кенгайтиришни таклиф қилган.

Бундан ташқари, диссертант жамоатчилик назоратининг **“ex-ante”** (ҳали амалга оширилмаган, лойиҳалаштирилаётган фаолият устидан назорат) ва **“ex-post”** (амалга ошириб бўлинган, яқунланган, тамом бўлган фаолият устидан назорат) турларини ажратган ҳолда, ҳаракат содир этилганидан сўнгра амалга ошириладиган ва у содир этилишидан олдин амалга ошириладиган назорат турларини кўрсатиб ўтган.

Ушбу параграф доирасида, шунингдек, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунда белгиланган *жамоатчилик назоратининг саккизта шакли* ҳам атрофлича ўрганилган. Муаллиф «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг жамоатчилик назоратининг шаклларига оид моддаларини таҳлил қилиш асосида, уларда ҳаволаки нормалар жуда ҳам кўпчиликни ташкил қилиши тўғрисида тўхтамга келади (жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органларига сўровлар юбориши ва бошқалар).

Изланувчи томонидан «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасидаги жамоатчилик эшитуви институтини янада такомиллаштириш, бунда уни ўтказиш билан боғлиқ аниқ тартиб-қоидаларни белгилаш, жамоатчилик эшитуви давлат органлари, улар мансабдор шахсларининг фаолияти юзасидан амалга оширилганда, жамоатчилик назорати субъекти тегишли давлат органи вакили ёки мансабдор шахсни таклиф этишга ваколатлими, ўз навбатида давлат органи вакили ёки мансабдор шахси жамоатчилик эшитувида иштирок этишни рад этиши мумкинми, қолаверса, жамоатчилик эшитувини ўтказиш, эшитувни олиб бориш тартиби, регламент, савол-жавоб, давлат органи вакили ёки мансабдор шахси маърузасини эшитиш, жамоатчилик эшитуви баённомасини юритиш, унинг натижасида якуний қарор қабул қилиш, қарор юзасидан эътирозлар билдириш, шу билан бир қаторда, бир маротаба жамоатчилик эшитуви ўтказилган масала юзасидан такроран эшитув ўтказиш тартиби, бу борадаги чекловларни аниқ тартибга солиш зарурлиги асослантилган берилган.

Диссертант жамоатчилик назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш бўйича алоҳида методика ишлаб чиқиш, қолаверса, жамоатчилик назоратининг натижалари юзасидан киритилган таклиф, тавсияларни кўриб чиқмаганлик ва уларга жавоб бермаганлик, шунингдек жамоатчилик назорати субъектлари сўровига ўз вақтида ва ҳаққоний маълумотлар тақдим этмаганлик учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини белгилаш зарурлигини асослантиради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва хусусиятлари**» деб номланиб, унда қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ҳамда суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўзига хос хусусиятлари ва конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг «*Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатлари*» деб номланган биринчи параграфда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилиш масалалари тизимли равишда таҳлил қилинган.

Тадқиқотчининг фикрича, парламент фаолияти устидан жамоатчилик назорати парламент вакиллари зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар холисона, тўлиқ ва ҳар томонлама бажарилиши, халқ вакиллари томонидан ўз сайловчиларига сайловолди ташвиқотида берилган ваъдаларнинг ижро этилиши, депутат томонидан одоб қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Хусусан, депутат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий шакли – *депутатнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши*. Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенгес депутати вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати эса йилига камида икки марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ҳисобот бериб туриши ва ўзи сайланган ҳокимият вакиллик органининг иши ҳақида хабардор этиб бориши шарт.

Парламент фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий шаклларида яна бири – *депутатларни ва Сенат аъзоларини чақириб олиш* ҳисобланади. Бу борада муаллиф депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисобдорлиги, айниқса, жавобгарлиги масаласи уларнинг мандати табиати билан узвий боғлиқлигини қайд этади. Параграфда ёзилишича, чақириб олиш қатор хорижий давлатларда (АҚШ, Швейцария, Япония, Австрия, Латвия, Хитой, Венесуэла, Озарбайжон, Туркменистон, Руминия, Словакия, Куба, Россия Федерацияси ва бошқалар) бевосита *сайловчиларнинг ташаббуси* билан амалга оширилади.

Диссертант хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун тегишли сайлов округида истиқомат қилувчи сайловчиларнинг бешдан бир



қисми томонидан қўллаб-қувватланган таклифи асос бўлиши мумкинлигини белгилашни таклиф қилади.

Ушбу бобнинг «*Ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг конституциявий-ҳуқуқий асослари*»га бағишланган навбатдаги параграфда жамоатчилик назоратини ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан амалга ошириш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Хусусан, изланувчининг ёзишича, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг конституциявий-ҳуқуқий асослари Конституциямизнинг 2-моддасида белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципи билан боғлиқ.

Ушбу параграф доирасида диссертант ижро ҳокимиятининг олий органи сифатида *Ҳукумат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини* амалга ошириш масаласига алоҳида тўхталади. Хусусан, унда Ҳукумат фаолияти жамоатчилик назорати объекти бўла оладими, яъни жамоатчилик назорати субъектлари – фуқаро, маҳалла, жамоат бирлашмалари ёки оммавий ахборот воситалари Ҳукумат даражасида назорат фаолиятини амалга ошира оладиларми, деган мунозарали саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинган. Бунда диссертант жамоатчилик назоратининг айрим шакллари, масалан, мурожаатлар ва сўровлар йўллаш, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш кабилар Ҳукумат фаолияти устидан ҳам амалга оширилиши мумкин, деган хулосага келган.

Параграфда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири)нинг Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларига бағишланган 12-моддаси ҳозирги кунга келиб бирмунча эскирган ҳамда замонавий талабларга, реал сиёсий-ҳуқуқий тизимга етарлича жавоб бермаслиги, унинг Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатларини деярли ифодаламаслигини ҳисобга олиб, ушбу моддани янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарурлиги асослантирилган.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи «*Суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўзига хос хусусиятлари*»га бағишланган бўлиб, унда судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши судларнинг мустақиллигига дахл қилиши боис, судлар ҳар қандай, шу жумладан, жамоатчилик назоратидан холи бўлиши кераклиги асосантирилган.

Диссертант ушбу параграф доирасида ҳар қандай демократик давлатнинг фундаментал қадрияти ҳисобланган, Конституциянинг 106 ва 112-моддалари ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланган судьялар мустақиллиги принципи ҳамда жамоатчилик назоратининг ўзаро нисбатини ўрганган.

Тадқиқотчи суд фаолияти устидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати шакллари иккига – *умумий ва махсус турга* ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Умумий жамоатчилик назорати шакллари “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунда белгиланган жамоатчилик назорати шакллари (суд органларига мурожаатлар ва сўровлар, судларнинг

очик мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш) киради. Махсус жамоатчилик назорати шакллари: халқ маслаҳатчилари, жамоат ҳимоячиси, жамоат айбловчиси сифатида иштирок этиш, Судьялар олий кенгаши аъзоси сифатида судьяларни танлаш ва тайинлаш жараёнида иштирок этиш каби шаклларни киритиш мумкин.

Шу ўринда тадқиқотчи амалдаги қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоларини жамоатчилик орасидан танлаб олиш тартибини батафсил белгилашга қаратилган аниқлаштирувчи норма ва қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Параграфда судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг амалиётга жорий этилган яна бир муҳим янги шакли – *судьялар лавозимига тайинлашдан олдин жамоатчиликка таништириш ва улар розилигини олиш тизими* тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган. Мазкур амалиёт судлар фаолиятини фуқаролар учун очик ва ошкоралигини таъминлаши билан бирга, уларда судьяларда бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида хорижий тажриба ҳамда миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, унда давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида айрим хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш муаммолари илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Хусусан, ушбу бобнинг «*Давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасида айрим хорижий давлатлар тажрибаси*» деб номланган биринчи параграфда хорижий давлатларда кенг қўлланувчи: аброгатив референдум (фуқаролар ветоси) (Швейцария), коллаборация (АҚШ), фуқаролик ташаббуси (Франция, Германия, Италия), жамоатчилик (халқ) қонунчилик (ҳуқуқ ижодкорлиги) ташаббуси (АҚШ, Германия, Испания, Италия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словения, Швейцария), жамоатчилик кузатув комиссиялари ва қўмиталари (Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон), жамоатчилик оммавий ахборот воситалари (АҚШ, Европа Иттифоқи), жамоатчилик кенгашлари (палаталари) (Австрия, АҚШ, Арманистон, Бразилия, Греция, Нидерландия, Польша, Қозоғистон, Франция), онлайн-петиция (АҚШ, Европа Иттифоқи), камчилик миллатлар иши бўйича кенгашлар (Чехия), жазони ижро этиш муассасаларига ташриф буюрувчилар кенгаши (Буюк Британия, Франция), фуқаровий аудит (АҚШ) каби жамоатчилик назорати шакллари тадқиқ этилган.

Диссертант хорижий мамлакатларда жамоатчилик кенгашларининг ҳуқуқий мақомини қонун даражасида мустаҳкамлаш амалиёти мавжудлигига, хорижий давлатларда жамоатчилик назорати объектлари доираси ва

жамоатчилик назорати объектлари бўла олмайдиган соҳалар аниқ белгилаб берилганлигига алоҳида эътибор қаратади.

Илмий ишда хорижий мамлакатларда давлат бошқаруви шакли, ҳуқуқий тизими ҳамда фуқаролик жамияти ривожланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, жамоатчилик назорати шакллари сифатида жамоатчилик эшитуви (маслаҳатлашуви, муҳокамаси), жамоатчилик текшируви (тергови), фуқаровий кузатув, сўров, жамоатчилик мониторинги (аудит), ижтимоий фикрни ўрганиш, жамоатчилик қонунчилик ташаббуси, жамоатчилик кузатув тузилмалари, журналист текшируви, жамоат экспертизаси, ҳисоботларни эшитиш ва бошқа шакллари кенг қўлланилиши тўғрисида хулосага келинади.

